

ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Санобар Базарбаевна ДЖУМАНОВА

катта ўқитувчи

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон журналистика ва

оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

marifat.88@mail.ru

Аннотация

Бугунги кунда сунъий интеллект турли фаолият соҳаларида, жумладан журналистикада ҳам тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу медиатренд журналистик контент сифатини ошириш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш жараёнини такомиллаштириш, шунингдек журналистлар ва аудитория ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш учун янги имкониятлар яратмоқда. Ушбу мақолада сунъий интеллектнинг журналистика фаолиятида қўлланилиши замонавий медиатренд сифатида таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: сунъий интеллект, нейротармоқ, медиатренд, чат-бот.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ЖУРНАЛИСТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ

Санобар Базарбаевна ДЖУМАНОВА

старший преподаватель

доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Университет журналистики и

массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

marifat.88@mail.ru

Аннотация

В настоящее время искусственный интеллект становится все более значимым в различных сферах деятельности, в том числе и в журналистике. Этот медиатренд открывает новые возможности для повышения качества журналистского контента, улучшения процесса сбора и анализа информации, а также для улучшения взаимодействия между журналистами и аудиторией. В данной статье рассматривается применение искусственного интеллекта в журналистской деятельности как современный медиатренд.

Ключевые слова: искусственный интеллект (ИИ), нейронная сеть, медиа-тренд, чат-бот.

Сунъий интеллект янги рақамли чегара сифатида барча ижтимоий фаолият турлари сингари журналистика соҳасида ҳам бир қатор ўзгариш ва янгиланишларга сабаб бўлмоқда. Билл Гейтс айтганидек, сунъий интеллект

даври бошланди. Марк Кубан узоғи билан уч йил ичида сунъий интеллектни ўрганмасангиз, яхши даромад ва карьера қилолмаслигингизни таъкидлайди. Илон Маскнинг сунъий интеллект уруш ва ишсизликнинг мумкин бўлган манбаси деган қарашини ҳам тўлиқ инкор эта олмаймиз.

Бугунги кунда сунъий интеллектдан фойдаланиш турли соҳа мутахассислари, шу жумладан медиа саноати вакиллариининг ҳам эътиборини тортмоқда. Унинг ёрдамида журналистлар маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, янгиликларга оид мақолалар ёзиш, ҳатто таҳририят материалларини тайёрлаш каби кундалик вазифаларни автоматлаштириши мумкин. Сунъий интеллект – журналистнинг рақобатчиси эмас, асиссентидир. У журналистнинг ишини олиб қўймайди, балки уни осонлаштиришга ёрдам беради. Эҳтимол, нейротармоқларни қўллашни биладиган бошқа журналист сизнинг ишингизни олиб қўйиши мумкин, лекин сунъий интеллектнинг ўзи эмас. Сунъий интеллектнинг қўлланилиши журналистика сифатини оширишда муҳим бўлсада, инсон омилининг ўрни бекиёс. Сунъий интеллект инсон омилини камайтирмайди, балки тўлдирувчи элемент вазифасини бажаради. Pressfeed журналистик сўровлар хизмати ОАВ учун эксперт жавоблари ва нашрларни тайёрлашда сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш мавзусида журналистлар ва ОАВ экспертлари орасида сўровнома ўтказди. Сўров натижаларига кўра, журналистларнинг 66 фоизи ва ОАВ экспертларининг 48 фоизи ОАВ учун контент тайёрлашда сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиши маълум бўлди. Шу билан бирга, сўровда қатнашган журналистларнинг 13 фоизи келажакда сунъий интеллект тизимлари ОАВнинг янгиликлар тасмалари учун қисқа хабарлар ёзадиган журналистлар ўрнини эгаллаши мумкинлигини, бироқ эксклюзив ва таҳлилий материаллар муаллифларининг ўрнини боса олмаслигини таъкидлашди [5].

Сунъий интеллект журналистнинг ишини енгиллаштиради. Хусусан, “супер онг” янгиликларни кузатиш, ахборот излаш, катта ҳажмли ахборотни таҳлил қилиш, контент яратиш, фактларни текшириш, видео ва

аудиоматериалларга ишлов бериш, аудитория билан ишлашда фаол қўлланилмоқда. Шунинг баробарида тўртинчи саноат инқилобининг асоси, технология ривожланиш кафолати сифатида қаралаётган сунъий интеллект ахборотнинг ҳақиқийлиги ва ҳаққонийлиги борасида бир қатор хавф ва муаммолар келтириб чиқармоқда. Бу ҳолатларнинг барчаси мавзунини ўрганиш, нейротармоқларнинг журналистикада қўлланилишига илмий баҳо бериш, ҳуқуқий, ахлоқий масалаларини тадқиқ этиш ва истиқболни белгилаш заруратини келтириб чиқармоқда.

2023 йилда «Чегара билмас мухбирлар» (RSF) халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилоти 16 та ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Сунъий интеллект ва журналистика бўйича Париж хартиясини эълон қилди. У, сунъий интеллект билан ишлашда оммавий ахборот воситаларининг тамойилларини аниқлашга ёрдам беради. Париж хартияси – сунъий интеллект ва журналистика бўйича биринчи халқаро ахлоқий йўриқнома. Фактлар ва далиллар, асл ва синтетик контент ўртасидаги аниқ фарқ, таҳририятнинг мустақиллиги ва инсон масъулияти сунъий интеллект даврида матбуотда ишончли янгиликлар ва маълумотларга бўлган ҳуқуқнинг асосий кафолати бўлади. Мазкур хартия ҳам журналистикада сунъий интеллектнинг қўлланилишининг ахлоқий масаласи қанчалик долзарб эканини кўрсатади.

Дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситаларининг сунъий интеллектдан фойдаланиш тажрибасини таҳлил қилиш, бу технологиянинг журналистикада қандай қўлланилаётгани ва қандай натижалар бераётганини тушунишимизга имкон беради. Масалан, “The Washington Post” нашри янгиликлар тўплаш ва қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштириш учун сунъий интеллектдан жадал фойдаланмоқда [6]. Улар сунъий интеллект маълумотлари асосида янгиликлар яратиш имкониятига эга бўлган “Heliograf” тизимини ишлаб чиқишган. Бу тизим асосан мақолаларни чоп этишни автоматлаштириш ва персонализациялашга ёрдам беради. “Heliograf” сайловлар, об-ҳаво ва спорт воқеалари ҳақидаги янгиликларни тезкор чоп этиш учун қўлланилади. Ушбу восита “The Washington Post”

журналистларига янада мураккаб вазифалар ва чуқур тадқиқотларга эътибор қаратиш имкониятини яратди.

“Associated Press” супер онгдан катта миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш, молиявий ҳисоботлар каби автоматлаштирилган янгиликлар яратиш учун фойдаланади. “Automated Insights” компанияси томонидан ишлаб чиқилган “Automated Insights” тизими “Associated Press” ахборот агентлигига компанияларнинг молиявий натижалари тўғрисида автоматик ҳисоботлар тайёрлаш имконини бермоқда. Бу эса бундай ҳисоботларни ёзишга сарфланадиган вақтни сезиларли даражада қисқартириш ва уларни кенг аудитория учун янада қулай форматда тақдим қилиш имконини берди. “Wordsmith” платформаси табиий тил генерациясидан фойдаланиб, маълумотларни оддий тилда ёзма ҳикояга айлантиради. Бу ҳолатда платформа “Zacks Investment Research” молиявий ахборотларни сониянинг бир улушида “Associated Press” томонидан нашр этиладиган ҳикояга айлантиради. Шундай қилиб, “Wordsmith” жамоаси “Associated Press” услубида мақолалар ёзиш учун табиий тил яратиш механизмини мослаштирди. Натижада “Associated Press” энди ҳар чоракда 4400 та молиявий ҳисоботини ишлаб чиқармоқда – бу муҳаррирлар қўлда тайёрлаган даврдагига қараганда деярли 15 баравар кўп. Ҳисоботлар нафақат ўқувчилар инсон томонидан ёзилган мақолалардан кутадиган сифатга эга, балки уларда қўлда тузишда йўл қўйиладиган хатолар сони ҳам камайган. Агентлик ходимлари бу янгиликни ижобий қабул қилишди, чунки автоматлаштириш илгари ходимлар томонидан ҳар чоракда даромад ҳисоботларини тузишга сарфланган вақтнинг тахминан 20 фоизини тежаш имконини берди [7; 647].

“Reuters”да сунъий интеллект платформаси журналистларга маълумотлар таҳлилига қўмаклашади. Янгиликларни аниқлаш ва кузатиб бориш мақсадида ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот манбаларини кузатиб боровчи “News Tracer” тизимини ишлаб чиқишди. “News Tracer” “Reuters” журналистларига маълумотларни тез топиш ва текширишда ёрдам

беради, бу эса уларга янгиликларни тезкор тарзда эълон қилиш имконини беради.

“The New York Times” газетаси янгиликлар тўплаш ва ўқувчилар билан ўзаро муносабатларни такомиллаштириш учун сунъий интеллектдан фойдаланмоқда. Улар маълумотларни таҳлил қилиш ва журналистларга тавсиялар бериш учун машинали ўрганишдан фойдаланадиган “Editor” тизимини ишлаб чиқишди. Эдитор, шунингдек, “The New York Times” газетасига ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари ва қизиқишларига асосланган шахсийлаштирилган контентни таклиф қилишда ёрдам беради.

“New York Times” аудитория билан ишлашда сунъий интеллектни қўллайди. “Bloomberg”нинг учдан бир қисм контенти сунъий интеллект ижод маҳсули бўлиб, “Cyborg” деб номланган автоматлаштирилган хабар ёзувчи тизими молиявий ҳисоботлар ёзишда ишлатилади. Бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, журналистикада сунъий интеллектдан фойдаланиш муҳаррир ишини 9, мухбир ишини 15 фоизга автоматлаштиришга ёрдам беради.

Рақамлаштириш йўналишида жадал ривожланаётган Ўзбекистонда ҳам сунъий интеллект ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 17 февраль ПҚ-4996-сон қарори [1], “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳам бу борада муҳим дастуриламал ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда сунъий интеллект асосида Собира Холдорова номли махсус робот-мухбир яратди. Мазкур мухбир тўққиз тилда (ўзбек, инглиз, рус, француз, араб, хитой, немис, испан, қozoқ) расмий ахборотлар ва тезкор янгиликларни етказиб туради. Синов тарзида ишга туширилган сунъий интеллект видео репортажлар тайёрлаш қўламини босқичма-босқич кенгайтириб боради [8].

Умуман олганда, ўзбек журналистикасида сунъий интеллектни қўллаш контентнинг тезкорлиги, аниқлиги ва шахсийлаштириш имкониятларини

ошириш учун янги уфқларни очмоқда. Ўзбек журналистикасида бошқа мамлакатлар тажрибасидан фарқли ўлароқ, сунъий интеллектдан ахборот манбаи сифатида фойдаланиш йўналиши тобора кенгаймоқда. Янгиликлар сайтларида ва оммавий ахборот воситаларида қуйидаги мавзудаги мақолалар сони ортиб бормоқда: "Ўзбекистонда қайси касблар жуда тез ривожланмоқда? Сунъий интеллект жавоб берди" [9], "Сунъий интеллект ўзбек жаидларининг ташқи қиёфасини тасвирлаб берди" [10], "Ўзбекистонда маблағни нималарга инвестиция қилиб, катта даромад олиш мумкин? Сунъий интеллект жавоб берди" [11], "Сунъий интеллект экзосайёрани топди" [12]. Журналистика амалиётида сунъий интеллект ўзи ҳам контент мавзусига айланиб улгурди.

Ўзбек журналистикасида сунъий интеллект маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишни автоматлаштириш учун қўлланилиши мумкин. Бу журналистларга керакли ахборотни тезроқ топиш ва материаллар яратишга кўпроқ эътибор қаратиш имконини беради. Янгилик хабарларини автоматик равишда яратиш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳам ўзбек журналистикасига кириб келмоқда. Бундай тизимлар тизимга киритилган маълумотлар асосида қисқа янгиликларни зудлик билан тайёрлай олади, бу эса мухаррирлар ва мухбирларнинг вақтини сезиларли даражада тежайди. Шубҳасиз, Ўзбекистон журналистикасига сунъий интеллектни жорий этиш нафақат имкониятларни, балки ходимларни ўқитиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва материалларда муаллифлик услубини сақлаб қолиш каби муайян муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Журналистика амалиётида сунъий интеллектдан фойдаланиш нафақат амалий ҳодиса, балки илмий йўналишда ҳам ўрганилмоқда. Сунъий интеллект ёрдамида ишончли журналистикани таъминлаш масалалари А.Л.Опдал томонидан кўриб чиқилган [13; 146] ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида келтирилган. Ж. Йоханссен ва Х. Ванг [14] журналистлик интуицияси бўйича тадқиқотлар олиб борган, Г. Гондве [15] эса генератив сунъий интеллектнинг журналистикада қандай тушунилиши ва

қўлланилишини тўлиқ англашга қаратилган тадқиқот ўтказган. Тадқиқотнинг асосий йўналишларидан бири контент ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳисобланади. Тадқиқотнинг яна бир муҳим мавзуси ОАВда бандлик тузилмасини ўзгартиришда сунъий интеллектнинг роли. ОАВда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳам фаол ўрганилмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи, сунъий интеллект томонидан яратилган маълумотларни тарқатиш учун жавобгарлик ва алгоритмик жараёнларнинг шаффофлиги билан боғлиқ масалалар кўплаб тадқиқотларнинг диққат марказида. Тадқиқотчилар сунъий интеллектнинг медиа таълимга таъсирини ўрганиш бўйича ҳам ишлар олиб бормоқда. Таъкидланишича, ОАВда сунъий интеллектнинг роли ортиб бораётгани сабабли ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларга маълумотлар журналистикаси, алгоритмик саводхонлик ва сунъий интеллект билан ишлаш асослари бўйича курсларни кўшиш зарур.

Журналистикада тадқиқотлар соҳасида сунъий интеллектнинг имкониятлари доимий равишда кенгаймоқда ва олимлар журналистик суриштирувларнинг аниқлиги, ҳолислиги ва чуқурлигини ошириш учун ундан фойдаланиш йўллариини ўрганишда давом этмоқдалар.

Бизнинг фикримизча, журналистикада сунъий интеллектнинг кўп қиррали табиати, типологияси, қўлланилиш соҳалари ва йўналишларини ўрганиш зарур. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар жаҳон медиасферасида сунъий интеллектнинг ўрни, ахборотнинг ишончлилиги масалалари, асосий тушунчалар, имкониятлар ва истикболлар бўйича тадқиқотларни тўлдиради.

Журналистика фаолиятида сунъий интеллектни қўллаш соҳалари қуйидагилардан иборат:

1. Автоматлаштирилган маълумот йиғиш. Машинали ўрганиш алгоритмлари ёрдамида сунъий интеллект янгиликлар сайтлари, ижтимоий тармоқлар, блоглар ва бошқа манбалардан мустақил равишда маълумот тўплаши мумкин. Бу журналистларга долзарб маълумотларни тезда олиш ва барча воқеалардан хабардор бўлиш имконини беради.

Сунъий интеллект катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаб, улардан муҳим ахборотни ажратиб олиши мумкин. Машинали ўрганиш алгоритмлари матн, расм ва видеоларни автоматик равишда таснифлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса журналистларга улкан ахборот оқимидан қизиқарли ва долзарб янгиликларни топиш имконини яратади. Harvard Business Review [4] журналида чоп этилган тадқиқотда таъкидланишича, сунъий интеллект катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашни сезиларли даражада тезлаштириши ва маълумотларни қайта ишлаш харажатларини бир неча барабар камайтириши мумкин. Шунингдек, сунъий интеллект маълумотларга қўлда ишлов беришда сезилмаслиги мумкин бўлган яширин нақшлар ва боғлиқликларни аниқлашга ёрдам бериши мумкинлиги қайд этилган [2]. Бироқ, сунъий интеллект хатоларга ҳам олиб келиши мумкин, чунки машинали ўрганиш алгоритмлари ҳар доим ҳам контекстни ҳисобга ололмайдиган ва нотўғри қарорлар қабул қилиши мумкин [3].

2. Янгиликларга оид мақолалар яратиш. Сунъий интеллект берилган маълумотларга асосланиб, янгиликларга оид мақолаларни яратиши мумкин. Матнни генератив моделлаштириш алгоритмлари ёрдамида сунъий интеллект турли манбалардан олинган фактлар ва маълумотлар асосида мақола ёзиши мумкин. Бу журналистларнинг вақтини тежаб, таҳририятнинг иш унумдорлигини ошириши мумкин.

3. Мультимедиа контентини яратиш. Сунъий интеллект фотосуратлар, видеолар ва аудиоёзувлар каби мультимедиа контентини яратишда ҳам ёрдам бериши мумкин. Унинг ёрдамида дастлабки материалларга автоматик ишлов бериш, тасвир ва овоз сифатини яхшилаш, шунингдек махсус эффектларни яратиш мумкин.

4. Аудитория билан сунъий интеллект ёрдамида коммуникацияни йўлга қўйиш.

5. Шахсийлаштирилган контент тақдим этиш. Сунъий интеллект фойдаланувчиларнинг афзалликлари ва қизиқишларини таҳлил қилиб, уларга

мослаштирилган контентни таклиф қилиши мумкин. Бу журналистларга ўз аудиториясини яхшироқ тушуниш ва уларга тегишли янгиликлар ҳамда материалларни такдим этиш имконини беради.

6. Аудитория билан мулоқот қилиш учун чат-ботлар. Сунъий интеллект саволларга жавоб бера оладиган ва аудиторияга маълумот етказадиган чат-ботларни яратиш учун ишлатилиши мумкин. Бу ўқувчилар билан мулоқотни оsonлаштиради ва уларнинг сўровларига тезкор жавоб бериш имконини беради.

7. Сохта янгиликларни филтрлаш. Сунъий интеллект сохта янгиликлар ва дезинформацияни аниқлаш ҳамда филтрлашга ёрдам беради. Машинали ўрганиш алгоритмлари матнларни таҳлил қилиши ва ғайриоддий ёки нотўғри фикрларни аниқлаши мумкин, бу эса фойдаланувчига ишончли маълумотни манипуляциядан фарқлашга кўмаклашади.

Ўхшаш тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида "Медиада сунъий интеллект" ва "Контент яратишда AI технологиялари" танлов фанлари ўқитилмоқда. Тажриба ўзини оқлади ва талабалар қуйидагиларни ўргандилар:

Дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситаларининг сунъий интеллектни қўллаш тажрибасини. Янгиликлар ҳаволаларини улашни автоматлаштириш, контентни персоналлаштириш, аудитория шарҳларини бошқариш, номақбул шарҳларни реал вақт режимида ўчириш ёки жавоб бериш билан боғлиқ тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди.

Нейротармоқлардан ахборот манбаи сифатида фойдаланиш. Бугун улар нейротармоқларга ўзлари жавоб топа олмаган "Учинчи Ренессансга эришиш йўли қандай?", "Ўзбекистон шароитида сув танқислигини бартараф этиш учун нима қилиш керак?", "Жамиятга меҳрибонлик уйлари керакми, керак бўлса, нега ёпилди?", "Дунёдаги газ ва нефт захиралари қанча вақтга етади?", "Ўзбекистонда янги қурилган уйлар зилзилага бардош бера оладими?" каби саволларини бермоқда ва жавоблар асосида қизиқарли контент яратмоқда.

Нейротармоқлардан фойдаланиб контентни бойитувчи фото ва видео материаллар яратиш, видео ва аудио материалларга ишлов бериш. Масалан, мақолага мос сурат ёки видео ишлаб чиқиш, карикатура, коллаж, инфографика яратиш уларга ҳеч қийин эмас. Ҳатто Хўжа Насриддин Афанди образини ҳам яратиб кўришди.

Катта ҳажмли маълумотларга ишлов бериш. Катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва улар орқали муҳим хулосаларга келиш сунъий интеллект технологияларисиз деярли мумкин эмас. Мисол учун, сайловчилар овози, иқтисодий ривожланиш динамикаси ёки ижтимоий тармоқлардаги фикрлар тенденцияси каби мавзуларни ўрганишда сунъий интеллект катта ёрдам беради.

Сунъий интеллект ёрдамида яратилган матнларни аниқлаш. “Понани пона билан чиқариш мумкин”, деганларидек, сунъий интеллект яратган контентни детектор нейротармоқлар ёрдамида осонгина аниқлаш мумкин.

Контентни таҳрир қилиш, SEO талабларига мослаштириш. Сунъий интеллект асосида ишлайдиган нейротармоқлар, имловий, грамматик, стилистик ва ҳатто фактик хатоларни тўғрилаш, қидирув тизимларига мослаштиришда жонли муҳаррир каби ёрдам бериши мумкин. Ҳатто мақолага кликбейтли сарлавҳалар қўйиб бера олади.

Автоматик хабарлар яратиш. Молиявий ҳисоботлар, спорт мусобақаларининг натижалари ёки об-ҳаво маълумотлари каби стандартлаштирилган янгиликлар автоматлаштирилган тарзда сунъий интеллект томонидан ёзилиши мумкин, бу эса журналистларга мураккаброқ мавзулар билан ишлашга кўпроқ вақт ажратиш имконини беради.

Ўзгарувчан воқеа-ҳодисаларни кузатиб бориш. Журналистлар учун воқеа-ҳодисаларни реал вақт режимида кузатиб бориш ва бу жараёнда керакли маълумотларни йиғиш имкониятини сунъий интеллект таъминлаб бера олади.

Кетма-кет айтаверсак, яна кўп нарсаларни санаш мумкин. Масалан, фотоларнинг сифатини яхшилаш, катта ҳажмли видеонинг қисқача

мазмунини аниқлаш, ахборотни қидириш ақли платформаларни қўллаш ва ҳ.к.

Шубҳасиз, сунъий интеллектдан фойдаланишнинг кенгайиши журналистик фаолиятдаги асосий мезонлар – тезкорлик, аниқлик ва ҳаққонийликни кучайтиришга хизмат қилади. Бу жараёнда профессионал журналистларнинг ахлоқ меъёрларига амал қилиш ва ахборотнинг тўғрилигини кафолатлашдаги ролини унутмаслик керак. Қолаверса, медиамаконда ақли технологиялар қўлланилаётган бир пайтда сунъий интеллектсиз ишлаш қоғоз-қаламсиз ижод қилишдек бўлиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февраль ПҚ-4996-сон қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 07/21/4996/0127-сон / <https://lex.uz/docs/5297046>
2. Архипова Л.И. Большие данные и искусственный интеллект в бизнесе: развитие и регулирование. – Москва, 2020.
3. Белова М.С. Искусственный интеллект при анализе больших данных. – Москва, 2021.
4. Коклина В.А. Будущее искусственного интеллекта и больших данных в сфере коммуникационного дизайна: Межвузовская научно-техническая конференция студентов, аспирантов и молодых специалистов им. Е.В.Арменского. – Москва, 18–28 февраля 2019 года.
5. https://www.cnews.ru/news/line/2023-07-18_48_ekspertov_smi_i_66_zhurnalistov
6. <https://incrussia.ru/news/opyt-washington-post-kak-robotizatsiya-menyaet-rabotu-redaktsii/>

7. Sukhodolov, A., Bychkova, A., & Ovanesyan, S. (2019). Journalism Featuring Artificial Intelligence. Theoretical and Practical Issues of Journalism, 8(4), 647–667. [https://doi.org/10.17150/2308-6203.2019.8\(4\).647-667](https://doi.org/10.17150/2308-6203.2019.8(4).647-667)
8. https://uza.uz/uz/posts/suniy-intellekt-yordamida-yaratilgan-oza-muxbiri-ish-boshladi_626944
9. <https://daryo.uz/k/2024/02/17/ozbekistonda-qaysi-kasblar-juda-tez-rivojlanmoqda-suniy-intellekt-bunga-javob-berdi?ysclid=lum7tb3w5d746540939>
10. <https://daryo.uz/k/2023/10/26/suniy-intellekt-ozbek-jadidlarining-korinishini-tasvirladi?ysclid=lum7tv3xqt917887768>
11. <https://daryo.uz/k/2024/02/05/ozbekistonda-mablagi-nimalarga-investitsiya-qilib-kop-daromad-korish-mumkin-suniy-intellekt-javob-berdi?ysclid=lum7ut5wun203884271>
12. <https://aniq.uz/yangiliklar/suniy-intellekt-ekzosayyorani-topdi?ysclid=lum7vearb5780850931>
13. Opdahl, A. L., Tessem, B., Dang-Nguyen, D. T., Motta, E., Setty, V., Throndsen, E., Tverberg, A., & Trattner, C. (2023). Trustworthy journalism through AI. Data and Knowledge Engineering, 146. <https://doi.org/10.1016/j.datak.2023.102182>
14. Johanssen, J., & Wang, X. (2021). Artificial Intuition in Tech Journalism on AI: Imagining the Human Subject. Human-Machine Communication, 2(1). <https://doi.org/10.30658/hmc.2.9>
15. Gondwe, G. (2023). Exploring the Multifaceted Nature of Generative AI in Journalism Studies: A Typology of Scholarly Definitions. SSRN Electronic Journal. <https://doi.org/10.2139/ssrn.4465446>